

«FARXOD DEHQON BOZORI» aksiyadorlik jamiyati
акциядорларининг 2024 йил якунлари бўйича навбатдаги
умумий йиғилиши
Б А Ё Н И

10 апрел 2025 йил

Тошкент шаҳри.

«FARXOD DEHQON BOZORI» aksiyadorlik jamiyati акциядорларининг 2024 йил якунлари бўйича навбатдаги умумий йиғилиши Тошкент шаҳар Учтепа туман Чилонзор Г9А мавзесида, жамиятнинг маъмурий биносида 2025 йил 10 апрел куни ўтказилди. Жамиятда овоз берувчи акцияларнинг умумий сони 27 341 831 тани ташкил этади. Умумий йиғилишда 27 072 331 та овозга эга бўлган Тошкент шаҳар Хокимияти номидан ишончнома асосида Тошкент шаҳар хокимлиги “Муниципал активларни бошқариш маркази” ДУКнинг “Бозорлар ва савдо комплекслари департаменти” бўлими бошлиғи Ш.Ш. Шомансуров ва 1630 та овозга эга бўлган 4 та жисмоний шахслар-жамият акциядорлари қатнашди. Умумий йиғилиш ўтказиш учун жами овозлар сони 27 073 961 та бўлиб, кворум 99,02 фоизни ташкил этди.

Йиғилишда раислиқни Ш.Ш. Шомансуров олиб борди.

Йиғилиш раиси умумий йиғилиш ўтказиш учун кворум 99,02 фоиз бўлганлигини ва йиғилишни очиш ҳақида таклиф тушганлигини маълум қилди ва йиғилишни очиш учун овозга қўйди.

Йиғилиш қатнашчилари бир овоздан йиғилишни очиш учун овоз бердилар.

Йиғилиш раиси Ш.Ш.Шомансуров йиғилиш раёсатига 3 киши: Камолов Т.К., Ш.Шомансуров ва О.Джумаев номзодлари таклиф этилганлигини билдириб овозга қўйди.

Йиғилиш қатнашчилари томонидан номзодлар бир овоздан қабул қилинди.

Йиғилиш котиби этиб Артиков А.А. номзоди таклиф этилди ва йиғилиш қатнашчилари томонидан бир овоздан қабул қилинди.

Йиғилиш раиси йиғилишда акциядорлар хисобини олиб бориш, овоз бериш бюллетенларини тарқатиш, овозлар сонини хисоблаш учун жамият Кузатув кенгаши томонидан тузилган санок комиссияси таркибини тасдиқлашни айтиб, санок комиссияси номзодлигига таклиф этилган Г.Р.Фатхуллаева, Б.А.Хайдаров ва Д.Музаффароваларнинг номзодларини овозга қўйди.

Санок комиссияси таркиби бир овоздан қабул қилинди.

Йиғилиш раиси йиғилиш кун тартибига Кузатув кенгаши томонидан қўйидаги масалалар киритилганлигини маълум қилди:

1. Жамият ижроия органи ва Кузатув кенгашининг йиллик хисоботини, жамиятнинг ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги хисоботларини эшитиш.

2. Жамиятнинг 2024 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуни юзасидан ташқи аудиторлик хулосасини кўриб чиқиш.

3. Жамиятнинг 2024 йил якуни бўйича йиллик хисоботини тасдиқлаш.

4. Жамиятнинг 2024 йил якуни бўйича фойда ва зарарлари хисоб варағини тасдиқлаш, унинг фойдасини тақсимлаш.

5. Жамиятнинг 2025 йилга мўлжалланган “Бизнес режа”сини ҳамда “Даромадлар ва харажатлар сметаси”ни тасдиқлаш.

6. Жамият директорини сайлаш.

7. Жамият Кузатув кенгашини сайлаш.

8. Жамиятда ўтказилган Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш.

9. Жамиятнинг 2025 йил фаолияти учун жамият Аудиторини тасдиқлаш ва унга тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдори чегарасини белгилаш.

10. Жамият ташкилий тузилмасига ўзгартириш киритиш ва тасдиқлаш.

Йиғилиш раиси кун тартибини тасдиқлаш учун овозга қўйди ва таклиф йиғилиш қатнашчилари томонидан бир овоздан қабул қилинди.

Йиғилиш қатнашчилари томонидан кун тартибидagi масалалар юзасидан регламент ҳақида келишиб олинди.

Биринчи масала юзасидан - 15 минут, қолган маърузаларга 5 минутдан, муҳокамада сўзга чиқувчиларга 5 минутгача вақт ажратишга келишиб олинди. Санок комиссияси раиси Г.Р. Фатхуллаева йиғилиш муҳокамасига қўйилган масалалар юзасидан бюллетенлар ёрдамида овоз бериш тартиби бўйича тушунтириш берди.

Биринчи масала юзасидан жамият директори в.б. О.Р. Джумаев сўзга чиқиб қўйидагиларни таъкидлаб ўтди.

Жамият 2024 йил давомида ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 апрелдаги ПК-1326-сонли «Дехкон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги», Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 августдаги «Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини такомиллаштириш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги 253-сонли қарори, Тошкент шаҳар ва Учтепа туман хокими қарорлари ҳамда Тошкент шаҳар хокимлиги “Муниципал активларни бошқариш маркази” ДУК кўрсатма ва тавсиялари асосида олиб борди.

Бозорда асосий эътибор сотувчи ва тадбиркорларга, фермер хўжаликлари вакиллари, маҳсулот етиштирган деҳқонларга ва харидорларга қулай шароитлар яратиш, сотувга чиқарилаётган маҳсулотларни сифатли бўлишига, нарх-навони сунъий ошиб кетишини олдини олишга, бозор санитария ҳолатини талаб даражада бўлишига қаратилди. Шаҳар аҳолисини қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган талабини тўлиқ қондириш мақсадида савдо ярмаркалари фаолият юритиб келди.

Ўтган йилда жамиятнинг молиявий якунлари қўйидагича бўлди:

Бозорнинг жами даромади 12 788 400 минг сўм режалаштирилган бўлиб, амалда 12 880 002 минг сўмга, яъни 91 602 минг сўмга отириб бажарилди, Шу жумладан: бир маротабалик жой ҳақи режадаги 5 021 010 минг сўм ўрнига 5 055 051 минг сўмга, ижара ҳақи режадаги 3 501 400 ўрнига 3 520 027 сўмга, инфратузилма тўловлари режадаги 742 644 минг сўм ўрнига, амалда 742 644 минг сўмга жами пуллик хизматлар режадаги 3 475 036 минг сўм ўрнига амалда 3 473 334 минг сўмни ташкил этди. Жами бюджетга солиқлар режадаги 3 534 322 минг сўм ўрнига 3 563 145 минг сўмни ташкил этди. Жамиятнинг соф фойдаси режадаги 3 061 895 минг сўм ўрнига 3 066 119 минг сўмга, яъни 4 225 минг сўмга орттириб бажарилди.

Бозорнинг жами харажатлари режадаги 8 840 946 минг сўм ўрнига 8 917 353 минг сўмни ташкил этди. Бозор маъмурияти томонидан дебитор ва кредитор қарздорликларни ўз вақтида бартараф этилиши натижасида муддати ўтган қарздорликларга йўл қўйилмаган.

Бозорда қишлоқ хўжалик ҳамда озиқ-овқат маҳсулотларига нарх-навони сунъий равишда ошиб кетиши олдини олиш бўйича бир қанча тадбирлар амалга оширилди. Доимий фаолият юритиб келаётган ярмарканинг савдо шохобчаларида

доимий равишда асосий турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини арзонлаштирилган нархларда савдода бўлиши, чем мамлакатлардан арзонлаштирилган нархларда картошка маҳсулотини келтириб сотилиши бозорда ушбу маҳсулотларга нарх-навони муътадил сақланишига олиб келди. Байрам олди ва байрам кунлари шаҳар аҳолиси ва меҳмонлари учун қўшимча равишда қишлоқ-хўжалик ва озиқ-овқат маҳсулотларининг савдо ярмаркалари ташкил этиб борилди.

Бозорда фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, кўнгилсиз воқеаларни олдини олиш, хушёрлик ва огоҳликни таъминлаш мақсадида комплекс чора-тадбирлар режаси асосида ишлар амалга ошириб борилди. 2024 йилда бозорда хавфсизликни таъминлаш бўйича ИИБ патрул-пост хизматининг 7 та ходими, миллий гвардия ходимлари фаолият юритиб келди. Бозор томонидан молиявий таъминланган ҳолда ИИБнинг профилактика нозири фаолият юритмоқда.

Бозорда сотувчи ва харидорлар фикрини ўрганиш, бозор фаолияти бўйича билдирилган мурожаат, ариза, шикоятларни таҳлил қилиш мақсадида махсус хона ажратилиб жамоатчилик штаби ташкил этилган. Бозор радиоузели орқали сотувчи ва харидорлар учун турли мавзуда эшиттиришлар, эълонлар, табриклар, миллий мусиқа оҳанглари бериб борилмоқда.

Жамият томонидан 2025 йилга "Бизнес режа" ва даромадлар ва харажатлар сметаси ишлаб чиқилиб, Кузатув кенгаши томонидан маъқулланди ва тасдиқлаш учун акциядорларнинг бугунги умумий йиғилиши муҳокамасига киритилмоқда. Жорий йилда бозор ходимларининг олдида турган асосий вазифалардан бири "Бизнес-режа" кўрсаткичларини ошириб бажарилишини таъминлаш, шаҳар аҳолиси ва меҳмонларга хизмат кўрсатиш даражаси ва маданиятини янада яхшилашдан иборат.

Жамият Кузатув кенгаши аъзоси Ш.Ш. Шомансуров сўзга чиқиб 2024 йил давомида Кузатув кенгаши томонидан амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисобот билан таништирди. Хисоботда Кузатув кенгаши томонидан жамиятнинг ҳар чоракдаги молиявий-хўжалик фаолияти якунлари кўриб чиқилгани, бозор молиявий ҳолатини барқарорлигини таъминлаш мақсадида катта маблағ талаб этадиган сарф-харажатлар Кузатув кенгашида муҳокама қилиб борилгани, Ўзбекистон Республикаси "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонуни талаблари асосида жамият масъул ходимлари томонидан ишлаб чиқилган 2025 йилнинг "Бизнес-режа"си 2024 йилнинг 26 ноябрда Кузатув кенгаши томонидан муҳокама қилиниб маъқуллангани ва бугунги акциядорларнинг умумий йиғилишига тасдиқлаш учун тақдим этилаётгани таъкидлаб ўтилди.

Йиғилиш раиси ҳисоботларни тасдиқлаш бўйича акциядорлардан ўз бюллетенларида овозларини қайд этишларини сўради.

Иккинчи масала юзасидан сўз жамиятнинг 2024 йил фаолияти бўйича аудиторлик текшируви ўтказган «FTF-LEA-FUDIT» аудиторлик ташкилоти вакили Л.В. Матвеевга берилди. Аудитор сўзга чиқиб, "Фарход деҳқон бозори" АЖнинг 2024 йил молиявий-хўжалик фаолияти якунлари бўйича 2025 йилнинг 9 апрелида тайёрланган ҳулосада жамиятнинг молиявий ҳолати бухгалтерия ҳужжатларида ҳаққоний акс этирилгани, жамият томонидан амалга оширилган молиявий ва хўжалик операциялар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги талабларига тўлиқ жавоб бериши таъкидлаб ўтди ва ҳулосани тасдиқлаш таклифини киритди.

Йиғилиш раиси ҳулосани тасдиқлаш бўйича акциядорлардан ўз бюллетенларида овозларини қайд этишларини сўради.

Учинчи масала юзасидан жамият бош ҳисобчиси Ш.Ибоев жамиятнинг 2024 йил молиявий-хўжалик ҳисоботи якуни бўйича тайёрланган жамият йиллик баланси ва йиллик ҳисоботи билан йиғилиш қатнашчиларини таништирди.

Йиғилиш раиси ҳисоботни тасдиқлаш бўйича акциядорлардан ўз бюллетенларида овозларини қайд этишларини сўради.

Тўртинчи масала юзасидан жамият иқтисодчиси Н.В.Ким сўзга чиқиб жамиятнинг 2024 йил якунлари бўйича соф фойда режаси 2 061 895 минг сўм белгиланган бўлиб амалда 2 066 000,22 минг сўмга бажарилганлигини таъкидлаб, соф фойдани қуйидагича тақсимлаш таклифини киритди:

Ўзбекистон Республикаси "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунининг 2-бўлими 34-моддасига асосан соф фойданинг 5 фоизидан кам бўлмаган қисми, яъни 103.300.011 сўми жамиятнинг заҳира фондига, соф фойданинг 1.033.000.110 сўмини акциядорларга 2024 йил якуни бўйича дивиденд тўлашга, соф фойданинг 207.721.185 сўмини йил якуни бўйича жамият бошқарувини рағбатлантиришга ва қолган 721.978.914 сўмини жамият моддий-техника базасини ривожлантиришга йўналтириш.

Йиғилиш раиси жамият соф фойдаси тақсмотини тасдиқлаш бўйича акциядорлардан ўз бюллетенларида овозларини қайд этишларини сўради.

Бешинчи масала юзасидан жамият директори в.б. О.Р. Джумаев сўзга чиқиб жамиятнинг 2025 йилга мўлжалланган "Бизнес-режа"си ҳамда "даромадлар ва харажатлар смета"си 2024 йил 26 ноябрда Кузатув кенгашининг мажлисида муҳокама қилиниб маъқуллангани ва тасдиқлаш учун умумий йиғилиш муҳокамасига киритиш ҳақида қарор қабул қилинганини таъкидлаб ўтди. 2025 йилга "Бизнес-режа"ни ишлаб чиқишда асосий эътибор бозор даромадларини ошириш, харажатларни имкон даражасида камайтириш, янги хизмат турларини жорий этиш каби масалаларга қаратилгани таъкидлаб ўтилди.

Йиғилиш раиси ҳисоботларни тасдиқлаш бўйича акциядорлардан ўз бюллетенларида овозларини қайд этишларини сўради.

Кун тартибидаги **олтинчи масала** юзасидан мажлис раиси сўзга чиқиб, 2025 йил 10 февралдаги жамият Кузатув Кенгаши қарорига мувофиқ жамият масъул ишчи-ходимларидан тузилган танлов ҳайъати томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги "Акциядорлик Жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 4720-сонли Фармони ижроси юзасидан жамият ижро этувчи орган раҳбари (директор) лавозимига муносиб кадр танлаш мақсадида танлов ўтказилди.

Ижро этувчи орган раҳбари (директор) лавозимига нисбатан қўйилган малака талаблари кўрсатилган ҳолда рўзномага, жамият веб сайтига, корпоратив ахборот ягона портали (openinfo.uz)га эълон берилди. Танлов 2025 йил 26 мартдан – 2025 йил 8 апрел кунига қадар давом этгани тўғрисида маълумот берди.

Танлов давомида бугунги кунда жамият раҳбари вазифасини бажарувчи бўлиб турган Джумаев Отабек ижро этувчи орган раҳбари лавозимига ўз номзодлиги бўйича таклифини бердилар.

Еттинчи масала юзасидан йиғилиш раиси сўзга чиқиб, Тошкент шаҳар ҳокимияти жамиятнинг 27 072 331 дона яъни 99,2 фоиз акциясига эгаллик қилиши, Тошкент шаҳар ҳокимининг 2018 йил 16 ноябрдаги "Тошкент шаҳар ҳокимлиги "Муниципал активларни бошқариш маркази" ДУК ташкил этиш ҳақидаги 1637-сонли қароридан келиб чиққан ҳолда, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 63-моддасига асосан жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзолигига Марказ тавсияси билан қуйидаги номзодларни киритиш таклиф этилгани таъкидлаб ўтилди:

Тошкент шаҳар ҳокимлиги “Муниципал активларни бошқариш маркази” ДУК Бош директори Раззоқов Аҳад Анварович, “Муниципал активларни бошқариш маркази” ДУК Бош директори ўринбосари Расулов Камолiddин Раимбердиевич, “Муниципал активларни бошқариш маркази” ДУК етакчи мутахассиси Акрамов Акбаржон Акмал ўғли, “Муниципал активларни бошқариш маркази” ДУК бўлим бошлиғи Шомансуров Шоаброр Шомансурович, “Авиасозлар деҳқон бозори” АЖ мутахассиси Норхўжаев Нозимхўжа Абдуқодир ўғли.

Йиғилиш раиси ушбу масала юзасидан акциядорлардан ўз бюллетенларида кумулятив тартибда овозларини қайд этишларини сўради.

Саккизинчи масала юзасидан жамиятнинг қимматли қоғозлар бўйича мутахассиси А.А.Артиков сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги ПҚ-4720-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида жамиятда “Корпоратив бошқарув Кодекси”ни жорий этилганлигини ва шу муносабат билан жамиятда Корпоратив бошқарув тизими самарадорлигини баҳолашга тегишли ташкилотларни жалб этиш учун танлов эълон қилингани, танлов натижалари асосида “FTF-LEA-FUDIT” аудиторлик ташкилоти тайёрлаган ҳулосасини тасдиқлаш таклифини киритди.

Йиғилиш раиси ҳисоботларни тасдиқлаш бўйича акциядорлардан ўз бюллетенларида овозларини қайд этишларини сўради.

Тўққизинчи масала юзасидан жамиятнинг қимматли қоғозлар бўйича мутахассиси А.А.Артиков сўзга чиқиб, жамиятнинг 2025 йил фаолияти учун Аудиторлик ташкилотини ва унга тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаб олиниши лозимлиги, бунинг учун жамият сайтида эълон берилгани ва иккита аудиторлик ташкилотидан таклиф олингани, 1) “HAZOPAT-AUDIT” Аудиторлик ташкилоти ўз хизматлари яъни аудиторлик ҳулосаси бериш учун 12,0 миллион сўм белгилаш таклифини киритгани, 2) “FTF-LEA-FUDIT” Аудиторлик ташкилоти аудиторлик ҳулосаси бериш учун хизмат ҳақини 10,0 миллион сўм миқдорида белгилаш таклифини киритгани таъкидлаб ўтилди.

Умумий йиғилиш муҳокамасига 2025 йил якунлари бўйича “FTF-LEA-FUDIT” Аудиторлик ташкилоти билан шартнома тузиш унинг хизмати учун тўловни энг кўп миқдорини 10,0 миллион сўм этиб белгилаш таклифи киритилади.

Йиғилиш раиси ушбу масала юзасидан акциядорлардан ўз бюллетенларида овозларини қайд этишларини сўради.

Ҳиккинчи масала юзасидан жамиятнинг қимматли қоғозлар мутахассиси А.А.Артиков сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг Президентининг бозорлар фаолиятини ривожлантириш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, замонавий талабларга жавоб берадиган ҳолга келтириш бўйича қабул қилинган қарорлар ижросини таъминлаш мақсадида бозор ташкилий тузилмасига баъзи ўзгартиришлар киритилгани ва тасдиқлаш учун умумий йиғилишга тақдим этилаётганини таъкидлаб ўтди.

Йиғилиш раиси ушбу масала юзасидан акциядорлардан ўз бюллетенларида овозларини қайд этишларини сўради.

Умумий йиғилиш кун тартибига киритилган барча масалалар муҳокамаси тугагандан сўнг овоз бериш натижалари бўйича тайёрланган баёни санок комиссия раиси Г.Р. Фатхуллаева ўқиб эшиттирди. (санок комиссияси баёни илова қилинади).

Умумий йиғилиш қарор қилади.

1. «Фарход деҳқон бозори» АЖ директори в.б. О.Р. Джумаев ва Кузатув кенгаши аъзоси Ш.Ш. Шомасуровнинг йиллик ҳисоботи, жамиятнинг ривожланиш стратегиясига эришиш бўйича қўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботлари (27 073 961 та овоз билан) тасдиқлансин.

2. Жамиятнинг 2024 йил молиявий – ҳўжалик фаолияти якуни юзасидан ташқи аудиторлик ҳулосаси (27 073 961 та овоз билан) тасдиқлансин..

3. Жамиятнинг 2024 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботи (27 073 961 та овоз билан) тасдиқлансин.

4. Жамиятнинг 2024 йил якунлари бўйича фойда ва зарарлари ҳисоб варағи ҳамда унинг фойдасини тақсимланиши (27 073 961 та овоз билан) тасдиқлансин.

2024йилда олинган 2 066 000 220 сўм соф фойда қуйидагича тақсимлансин:

- Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунининг 2-бўлими 34-моддаси асосида 103.300.011 сўм жамиятнинг заҳира фондида;

- соф фойданинг 1.033.000.110 сўми акциядорларга 2024 йил якуни бўйича дивиденд тўлашга;

- соф фойданинг 207.721.185 сўми йил якуни бўйича жамият бошқарувини рағбатлантиришга ва қолган 721.978.914 сўмини жамият моддий-техника базасини ривожлантиришга йўналтирилсин.

5. Жамиятнинг 2025 йилга мўлжалланган “Бизнес – режа”си ҳамда “Даромадлар ва харажатлар сметаси” (27 073 961 та овоз билан) тасдиқлансин.

6. Жамият директори этиб Джумаев Отабек Равшанович (27 073 961та овоз билан) сайлансин.

6.1 Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 29 мартдаги Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 29 мартдаги “Корпоратив бошқарув тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-760-сонли қонуни талабидан келиб чиқиб, жамият директори О.Джумаевнинг меҳнат шартномаси уч йил муддатга тузилсин.

6.2. Белгилаб қўйилсинки, ҳар йили йил якуни бўйича бўлиб ўтадиган акциядорлар умумий йиғилишида жамият директорининг меҳнат шартномаси масаласи кўриб чиқилади ва бунда меҳнат шартномани давом эттирилишига жамият директорининг жамият фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ҳамда жамиятнинг йиллик бизнес-режасини бажариши ҳолатига, ҳар чорак якуни бўйича жамият кузатув кенгаши олдида берадиган ҳисоботларининг даврийлигига қаралади.

7. Жамият Кузатув кенгаши қуйидаги таркибда сайлансин:

Тошкент шаҳар ҳокимлиги “Муниципал активларни бошқариш маркази” ДУК Бош директори Раззоқов Аҳад Анварович (27 073 961 та овоз билан), “Муниципал активларни бошқариш маркази” ДУК Бош директори ўринбосари Расулов Камолiddин Раимбердиевич (27 073 961 та овоз билан), “Муниципал активларни бошқариш маркази” ДУК етакчи мутахассиси Акрамов Акбаржон Акмал ўғли

(27 073 961 та овоз билан), “Муниципал активларни бошқариш маркази” ДУК бўлим бошлиғи Шомансуров Шоаброр Шомансурович (27 073 961 та овоз билан), “Авиасозлар деҳқон бозори” АЖ мутахассиси Норхўжаев Нозимхўжа Абдуқодир ўғли (27 073 961 та овоз билан).

8. Жамиятда ўтказилган Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари (27 073 961 та овоз билан) тасдиқлансин.

9. Жамиятнинг 2025 йил фаолияти учун жамият Аудитори этиб “FTF-LEA-FUDIT” аудиторлик ташкилоти (27 073 961 та овоз билан) тасдиқлансин ва унга тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдори 10 миллион сўм этиб белгилансин.

10. Жамиятнинг ташкилий тузилмаси киритилган ўзгартиришлар (27 073 961 та овоз билан) тасдиқлансин.

11. Жамият директори О.Р. Джумаевга акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори ижросини таъминлаш вазифаси юклатилсин.

Йиғилиш раиси

Шомансуров Ш.Ш.

Йиғилиш котиби

Артиков А.А.